Алишер Навоий

"Лисон ут-тайр"
достони

Алийбег Рустамий

«Бисмиллоҳ»нинг маъноси

(Рисола-йи Ўлмасиййа)

ODILJON RAHMATULLOH
№ 516
"15" 03 2023 yil
"MEROS" SHAXSIY KUTUBXONASI

ТОШКЕНТ
«ЧЎЛПОН»

Муҳаррир АЪЗАМ ЎКТАМ

Алийбек Рустамий — туркий тил ва адабиётимизнинг фидойи заҳматкашларидан. Халқимизни маърифатга ошно қилиш — у зотнинг эзгу мақсадларидир.

Қўлингиздаги бу китобчада олим «Бисмиллаҳир роҳманир роҳим» иборасини атрофлича тушунтириб берганлар. Уни ўқиб, ҳазрат Навоий ижоди билан яқинлигингиз янада кучаяди, эътиқодингиз мустаҳкамланиб, билимингиз бойийди, деган умиддамиз

0403000000—5
Р———————Қўш.93
360(04)—93

ISBN 5—8250—0362—2 ©Алийбег Рустамий, 1993

ТАҚДИМ

Ислом аҳли ҳар бир ишни «Ҳадис-и тасмийя» деб аталган ҳадис-и набавийга биноан тасмийя йоки басмала, йаъний Аллоҳ таъолонинг исмини зикр этиш билан бошлайди. Ҳадис-и тасмийя шундай: кулли амрин зи болин лам йубда би-сми-л-лоҳи фа-ҳува ажрам (Аллоҳнинг исми билан бошланмаган ҳар бир эслиг иш йўксукдур). Бу амалнинг қилинайотган ишнинг шаръий бўлиши ва унинг эзгу натижа билан тугаши учун аҳамийяти улуғдир. Чунки киши ҳақ таъолони эслаганда ўз нафс-и аммораси амрига бўйсунмайди, золимлар зулмидан қўрқмайди ва шариъат йўлидан озмайди. Басмаланинг фазилати беҳад кўп. Бинобарин Навойий ўзининг Хамсасини басмаланинг шоирона шарҳи билан бошлаган.

Бу йил таҳсил давримдан бошлаб ҳозиргача каминага ўзларининг моддий-у маънавий йордамлари билан саховат-у каромат кўрсатган ҳамроз-у ҳамдамларим Ўлмас акам етмиш йошга ва Аҳмаджон акам пайғамбар йошига кирдилар. Шу муносабат билан бирларига ушбу «Рисола-йи Ўлмасийя»ни, йана бирларига «Тақвим-и Аҳмадий»ни бағишладим.

БАСМАЛАНИНГ ЛУҒАВИЙ МАЪНОСИ

«Басмала» йоки «тасмиййа» деб «Би-сми-л-лоҳи-р-раҳмони-р-раҳиим» деган иборага ва шу иборани айтиш йоки йозишга айтилади. Аммо «тасмиййа» сўзининг маъноси «басмала» сўзининг маъносига нисбатан умумийрокдир. «Басмала» деганда асосан би-сми-л-лоҳи-р-раҳмони-р-раҳиим ибораси назарда тутилса, «тасмиййа» деганда шу ибора ўрнида ишлатиш мумкин бўлган бошқа сўз ва иборалар ҳам тушунилади.

Басмаланинг бошидаги «би» олд кўмакчидир. Ўзбек тилида кўмакчилар тегишли сўздан кейин келади. Масалан, «билан» ва «учун» кўмакчиларини олсак, «қалам билан», «сен учун» деймиз. «Билан қалам» «учун сен» демаймиз. Араб тилида эса аксинча: кўмакчи ўзи тегишли бўлган сўздан олдин келади. «Би-қаламин» (бир қалам) била йоки «би-л-қалами» (қалам билан) дейилади. «Қаламун-би», «ал-қалам-би» дейилмайди.

«Би» кўмакчисининг бир неча маъноси бор, масалан, «би-л-қалам» деганда «восита билдиради» «катабту би-л-қалам»—«қалам-да йоздим», дегани.

«Би» биргалик билдириши мумкин, масалан, иштарайту фарасан би-саржиҳи,

йаъний отни эгари билан сотиб олдим деган-даги «би-саржиҳи»даги «би» биргалик билдиради.

«Би» қасам билдириши мумкин, масалан, «би-л-лоҳи» Аллоҳга қасам, Аллоҳ ҳақи дегани.

«Би» ҳолат билдириши ҳам мумкин. Масалан, «билъакс» аксинча, акс ҳолда дегани. «Би»нинг йана бошқа маънолари ҳам бор. Басмаладаги «би»ни олимларимиз истиъонат, йаъний кўмак тилаш маъносида дейдилар.

- «Би»дан кейинги «сми» лафзи «исм» сўзининг ўзгарган шакли. «Исм» бошидаги «и» олдида унга қўшиладиган сўз унли билан тугаган бўлса, тушиб қолади. Масалан, арабчада «мо» нима дегани? Бировдан арабча «отинг нима?» деб сўрайдиган бўлсангиз, «ма-смука» дейсиз, «мо исмуку» демайсиз. «Исм»даги «и» ни тушириб қолдирасиз. Худди шунингдек «исм» сўзига «би» қўшилганда ҳам исмдаги «и» тушиб қолади ва «би» талаби билан охирига «и» қўшилади, натижада «бис-ми» бўлади.

«Исм» сўзининг ўзаги хусусида ихтилоф бор. Басрийлар, йаъний араб тилшуносларининг Басра мактабига мансублари «исм» сўзининг ўзаги йуксаклик маъносидаги «сумувв» сўзи дейдилар. Куфийлар йаъний Куфа мактабига мансуб тилшунослар тамға

маъносидаги «васм» сўзи дейдилар. «Исм»нинг луғавий маъноси «белги» бўлиб, тилшуносларунга бешта махсус маъно берганлар. Биринчи, лақаб ва кунйа муқобилидаги от. Мақтов йоки йомонлов маъносига эга бўлган от йохуд хислат билдирувчи от «лақаб» дейилади. Қишининг ота-онаси йоки ўғил-қизининг оти билан айтилган от «кунйа» йоки «кунйат» дейилади. Масалан, Низомуддин Навойийнинг лақаби, «ибни Ғийосуддин» йоки «Ғийосуддин ўғли» Навойийнинг кунйаси, «Алийшер» эса исмидир.

Иккинчиси, сифат маъносига эга бўлмаган лафз. Бу ҳолда у «сифат»нинг муқобили бўлади. Масалан, «қизил» сифат, «олма» исмдир.

Учинчиси, зарф (равиш) маъносига эга бўлмаган от. Бунда у зарфнинг муқобили бўлади. Масалан, «эрта»— зарф, «тонг»— исм. «Кеч»— зарф, «шом»— от.

Тўртинчиси, масдар ҳосили бўлмиш от. Масалан, «урмоқ»— масдар, «уруш»— исм. Бу ҳолда «исм» «масдар»нинг қаршисидир.

Бешинчиси, зотан ўзга сўзни қўшмасдан бир маънони билдирадиган ва ўтмиш, ҳозир ва келаси замонлардан бирига муқорин бўлмаган калима. Исм бу маъноси билан феъл ва ҳарфга (кўмакчи) муқобилдир. Масалан, «келди»— феъл, «келиш»— исм. «Учун»— ҳарф кўмакчи, «мақсад»— исмдир.

«Би-сми-л-лоҳи»даги «исм» биринчи маънода бўлиб, бу тақдирда «би-сми-л-лоҳи» изофа-йи байоний (табйиний)дир. Бунинг маъноси шуки, «Оллоҳнинг исми»дан мурод исм эмас, Аллоҳнинг ўзидир. «Аллоҳ» Ҳақ таъолонинг зотининг исмидир. Қолган исмлари сифотининг исмларидир. Масалан, «Қодир» унинг чексиз қудрати сифатининг, «Раззоқ» ризқ улашувчилик сифатини, «Халлоқ» йаратувчилик сифатини, «Қаҳҳор» ҳамма нарсани ўз ҳукми остида сақлаш сифатини билдирувчи исмлардир. «Аллоҳ»нинг асли, йаъний ўзаги ҳақида ифтилоф бор. Ғийосуддин Рампурий ўзининг «Ғийосул-луғат»ида бу ҳақда шундай маълумот беради:

Имом-и Аъзам раҳмату-л-лоҳи ъалайҳнинг фикрича, «Аллоҳ» сўзининг ўзаги ҳам «Аллоҳ»дир. Чунки Аллоҳ таъолонинг зотида ҳеч қандай ўзгариш йўқ. Шунга биноан унинг отини билдирувчи сўзда ҳам ўзгариш бўлмаслиги керак. Араб тилшуносларининг бобокалони Сибавайхнинг маълумотича икки қавл бор. Биринчисига кўра «Аллоҳ» сўзининг асли «ал-илоҳ» бўлган ва икки «л»нинг орасидаги «и»ни тушириб қолдириш натижасида «Аллоҳ» ҳосил бўлган. Иккинчисига кўра ўзак «илоҳ» бўлган. Сўз бошидаги «и» туширилиб, қийос (қоида)га хилоф равишда унинг ўрнига «ал» қўйилган.

Сибавайҳнинг ўзининг фикрича «аллоҳ» сўзининг негизи «лоҳ» бўлиб, унинг ўзаги бурканмак маъносидаги «лайҳ» сўзидир. «Лоҳ»га «ал» қўшилган, натижада «аллоҳ» сўзи ҳосил бўлган.

Абдураҳмон Жомий Нажмуддин Кубро ўзининг «Фавотиҳу-л-жамол» деган рисоласида алифлом таъриф, йаъний аниқлик учун ломнинг ташдиди, йаъний «лл» эса муболаға учун келтирилган деганлигини таъкидлайди.

Энди мана шу ерда йана бир муҳим масалага эътибор беришимиз керак. Бу илмий аниқлик лозим бўлганда «Аллоҳ» сўзини «тангри», «худо», «йаздон», «изид» каби сўзлар билан алмаштириб бўлмаслигидир. Чунки Ҳақ таъолонинг вужуди турли дин ва илмий мазҳабларда турлича тушунилади. «Аллоҳ» эса ислом тушунчасидаги Ҳақ таъолодир. Аммо бадиий асарларда, бадиий бўлмаган тақдирда ҳам муаллифнинг муслимлиги аниқ бўлган ва илмий аниқлик лозим бўлмаган тақдирда мазкур сўзлар «Аллоҳ» сўзининг айнан маънодоши сифатида ишлатилиши мумкин.

«Раҳийм» раҳмат қилғувчи ва меҳрибон, «раҳмон» эса «раҳийм»нинг муболағаси, йаъний беҳад раҳийм ўта меҳрибон дегани, дейилди. Йана олимларимиз «раҳмон»дан мурод Ҳақ таъолонинг ўз махлуқотига дунйодаги меҳрибонлиги, «раҳийм»дан

мурод унинг инсонни охиратда йорлақашидир, дейдилар. Басмаладаги сўзларнинг тартибига ҳам аҳамиййат берилган. Биринчи зот исми, ундан сўнг сифот исмлари келган. Бунинг сабаби биринчисининг иккинчисига нисбатан маънода улуғлигидир, дейдилар.

НАВОЙИЙ БАСМАЛА ҲАҚИДА

Навойий «Ҳайрату-л-аброр»ни басмаланинг шоирона шарҳи билан бошлаган

Биринчи байт шундай:

Би'-сми-л-лоҳи-р-раҳмони-р-раҳийм,
Риштӑа чекти неча дурр-и йатим.

Изоҳ: **ришта** — ип; **риштӑа чекмак** — ипга тизмак; **дурр** — инжу; **дурр-и йатийм** — йирик инжу донаси. Басмала ибораси дур шодасига ўхшатилган. «Неча дурр-и йатийм» дан мурод басмаладаги пурмаъно сўзлардир.

Иккинчи байт:

Ҳар дур анга жавҳар-и жондин фузун,
Қиймат аро икки жаҳондин фузун.

Изоҳ: бу ерда «дурр» сўзининг «дур» шакли вазн талаби билан қўлланган. **Фузун** — ортиқ; **жавҳар** — ҳар бир нарсанинг асли. Басмаланинг ҳар дурри, йаъний унинг ҳар

бир сўзи ва маъноси жон йаратилишига сабаб бўлган нарсадан ҳам ортиқ. Чунки улар Ҳақ таъолонинг зоти ва сифатини билдирувчи исмлардир. **Икки жаҳон** — жисм ва маъно олами ҳамда дунйо-ву охират. Бу байтда «жавҳар», «жон» ва «жаҳон» сўзлари тавзиъ санъатини, «жон» ва «жаҳон» сўзлари тажнис санъатини ҳосил қилган.

Учинчи байт:

Риштаси худ икд-и жаҳон риштаси,
Дема жаҳон риштаси, жон риштаси.

Изоҳ: «худ» бу ўринда «ўзи ҳам» деган маънода; **риштаси худ** — ипи, йаъни тизимининг ўзи ҳам; **икд** — шода; **икд-и жаҳон** — жаҳон шодаси. Бу ўхшатишга асос жаҳондаги мавжудотнинг бир-бирига боғлиқ бўлиб, бунда ваҳдат ҳам назарга олинган. Бу байтда «риштаси» сўзининг такрори илтизом ва тасдир санъатларини ҳосил қилган.

Тўртинчи байт:

Ганж-и бақо зикрига ул-ким йетиб,
Бу дур ила риштани тасбиҳ этиб.

Изоҳ: Бу байтдаги «йетиб» ва «этиб»-ларда «дур» тушириб қолдирилган. Шунинг

учун мазкур сўзларни «йетибдур» ва «этибдур» деб тушуниш керак. **Бақо** — солик (Ҳақ таъоло йўлидаги киши) нинг ўзлигидан фоний бўлиб, Ҳақ вужудида боқий бўлиши. Бу байтда бақонинг ганжга ўхшатилишига асос унинг дурга нисбати борлигидир.

Бешинчи байт:

Ришта эмас, турфа каманде-дур ул,
Давлат-у дин сайдиға банде-дур ул.

Изоҳ: **турфа** — ажойиб; **давлат** — иқбол-у мол-у зафар; **сайдов**—ов-у анг (овланадиган ва овланган ҳайвон); «ул» басмалага рожиъ. Демак басмала давлат-у динни қўлга киритиш воситаси ҳам экан.

Иккинчи ва учинчи байтларда басмаланинг бутун борликдаги мартабаси ҳақида сўзланган бўлса, учинчи байтда унинг — зокирнинг ҳаққа йетишиш воситаси эканлиги, бешинчи ва олтинчи байтларда эса, ҳар бир инсон учун унинг дунйовий ва ухравий аҳамиййати айтилган.

Олтинчи байт:

Қайси каманд, ўлмади ҳаргиз каманд,
Равза-йи Фирдавс ғазолига банд.

Изоҳ: **равза** — боғ; **фирдавс** — жаннат; **равза-йи фирдавс** — жаннат боғи; **ғазол** — куралай, йаъний оҳу боласи.

Еттинчи байт:

Бал ариғе-дур-ки оқар жон суйи,
Йўқ дема-ким жон суйи, ҳайвон суйи.

Изоҳ: Навойийда «сув» сўзи «су» шаклида бўлиб, эгалик қўшимчаси қўшилганда «в» ўрнида «й» бўлади: **суйи, суйунг, суйум** тарзида. «**Ҳайвон суйи**» — абадий ҳайот суви.

Саккизинчи байт:

Ул су йоқасида алифдин шажар,
Шамрасидин ул шажар узра самар.

Изоҳ: шажар — дарахт. Басмаладаги алифлар дарахтга ўхшатилган. «Шамра»дан мурод алиф устидаги васла.

Тўққизинчи байт:

Йўқ-ким ўшул ришта-йи гавҳарбаҳо,
Ганж-и илоҳийға эрур аждаҳо.

Изоҳ: хазинани аждаҳо қўриқлаши ривойатларда машҳур. Басмаланинг ажда-

ҳога ўхшатилишида қуйирокда байон этилган рад аҳли назарда тутилган.

Ўнинчи байт:

Йоки булар барчаси таъвил эрур,
Арш-и муъалло аро қандил эрур.

Изоҳ: таъвил — матндан йироқ йоки теран шарҳ. Арш-и муъалло-илоҳий даргоҳ.

Ўн биринчи байт:

Балки бу қандил аро айлаб айон
Боғ-и аҳад фохтаси ошйон.

Изоҳ: **Аҳад** — ҳақ таъоло; **фохта** — мусича. Демак басмала Ҳақ таъоло даргоҳига нисбати бор нур ва овоз манбаи экан. Басмаланинг талаффузидаги усул мусича сайроғида ҳам бор.

Ўн иккинчи байт:

Йўл-ки эрур махзан-и ваҳдатқа йўл
Йўл-у не йўл асру йақин йўл-дур ул.

Изоҳ: «ваҳдат» бу ерда бирлашиш маъносида; асру — жуда. Демак басмала

Ҳақ таъоло даргоҳига йақинлашишнинг энг йақин йўли экан.

Ўн учинчи байт:

Лекин эрур ҳам қатиғ-у ҳам махуф
Эйлаки ожиз дурур андин вуқуф.

Изоҳ: **махуф** — хавфли; **эйлаки** — андоққи; «вуқуф» бу ерда идрок маъносида. Демак Ҳақ таъоло йўли идрок ожизлик қиладиган даражада қийин ва хавфли экан.

Ўн тўртинчи байт:

Қилғувчи бу бодийа қатъиға майл
Аҳл-и қабул-у рад эрур икки хайл.

Изоҳ: **бодийа** — чўл, саҳро; **бодийа қатъи қилмоқ** — саҳро кезмак. **Қабул аҳли** — Ҳақ таъолонинг инойатига мушарраф бўлғучилар. **Рад аҳли** — қабул аҳлининг зидди.

Ўн бешинчи байт:

Азмиға чун қўйди қадам аҳл-и рад,
Раҳбар-и тавфиқдин ўлмай мадад.

Изоҳ: **чун қўйди қадам** — қадам қўйгач, қадам қўйганда; **тавфиқ** — Ҳақ таъолонинг бандасининг ишларини ўнглаши.

Ўн олтинчи байт:

Боси ибодин урар аввал сало,
Бо-қи дегай «ло», не бўлур жуз бало.

Изоҳ: **ибо** — тортиниш; **сало урмоқ** — ундамоқ. Басмаланинг биринчи ҳарфи бо рад аҳлига мансуб кишини тортинишга ундар экан. Басмаланинг аввалғи (биринчи) ҳарфи мардуднинг аввалги амалини ибодан иборат қилар экан. **Ло** — йўқ; **жуз бало** — балодан ўзга; **не бўлур жуз бало** — балодан ўзга нима бўлур эди. Басмаланинг боси тортинишга ундагач, йаъний «ло» йўқ дегач «бало» дан ўзга нима бўлур эди. Буни имло тасдиқлайди, чунки бо ҳарфига ломалиф (ло) қўшилса, «бало» сўзи ҳосил бўлади.

Ўн еттинчи байт:

Сини наҳанг орқасининг арраси,
Йўз кеманинг офати ҳар парраси.

Изоҳ: демак мардудга басмаланинг сини (учта тишдан иборат ҳарфи) ҳар бир парраси йўз кемани чўктирадиган наҳанг парраларига ўхшаб даҳшатли бўлиб кўринар экан.

Ўн саккизинчи байт:

Син била мими йўлида кўп ҳужум,
Йўли ҳумум анинг-у йели самум.

Изоҳ: **ҳумум** — ҳамм—«қайғу»нинг кўплиги; **самум** — гармсер (иссиқ шамол). Мазкур сўзларнинг ҳарфлари басмалада бор.

Ўн тўққизинчи байт:

Мими йилони дамидин ўт сочиб,
Йўл бошила йотибон оғзин очиб.

Изоҳ: басмаладаги биринчи мим илонга ўхшайди. «Илон» сўзи Навоийида «йилон» шаклида қўлланади.

Йигирманчи байт:

Уч алиф, уч ломи солиб рустахез,
Олти жиҳатдин чекибон тийғ-и тез.

Изоҳ: басмалада учта алифлом (ал) бор. Алиф найзага ўхшайди. Ломнинг асосий қисми ҳам бир алифдан иборат. **Рустахез солмоқ** — қийомат (тўполон) қилмоқ.

Йигирма биринчи байт:

Ҳолар учи қатл ишида тез ўлуб.
Румҳ учидек ҳар бири ҳунрез ўлуб.

Изоҳ: **тез** — ўткир; **румҳ** — найза; **ҳунрез ўлмоқ** — қон тўкмак. Басмалада иккита ҳо-йи ҳуттий бор. Бунинг асосий қисми найза бошоғига ўхшайди. Бу байтда найза ўрнида «румҳ» сўзининг ишлатилишига сабаб, унда ҳо ҳарфининг борлигидир.

Йигирма иккинчи байт:

Ролари-ким, зоҳир этиб иқтиром,
Фош ўлуб андин зарар-и бекарон.

Изоҳ: **иқтирон зоҳир этмак** — йондош-моқ. **Фош ўлмоқ** — бу ерда йуз бермак маъносида, **бекарон** — чексиз. «Зарар» сўзи-да икки ро йонма-йон келади. Демак бас-малада роларнинг йонма-йон келиши мар-дудга чексиз зарар бўлиб чиқар экан. Бу байтда «р» товуши бор сўзлардан ро ҳарфига шарҳ берилгани учун фойдаланилган. Бу санъат «тавзиъ» деб аталади.

Йигирма учинчи байт:

Ҳоси ҳалок эткали қуллобваш,
Маҳлика қалби аро қуллобкаш.

Изоҳ: бу ҳо ҳо-йи ҳавваз бўлиб, «аллоҳ» сўзининг охиридаги ҳарфдир. «Ҳалок» ва «маҳлика» (ҳалокат ўрни) сўзларида «ҳ» ҳам мазкур ҳо билан йозилади. **Қуллоб** — чангак; **қуллобваш** — чангаксимон; **қуллабкаш** — чангак билан тортувчи. «Маҳлика қалби»дан мурод ҳам маҳликанинг маркази, ҳам «маҳлика» сўзининг ўртасидаги ҳо ҳарфидир.

Йигирма тўртинчи байт:

Нун чекиб эл саҳми учун йосини,
Балки бақо заръи учун досини.

Изоҳ: **йо чекмак** — камон тортмоқ, ўқ отмоқ. «Саҳм» сўзи бу ерда ўқ, хавф ва улуш маъноларида қўлланган. Бу санъат «ийҳом» деб аталади. **Заръ** — экин; **дос** — ўроқ. Бу байтда нун тортилган йо (камон)-га ва ўроққа ўхшашлиги назарда тутилган.

Йигирма бешинчи байт:

Йоси мухолиф сари ҳарф-и нидо,
Йаъний оллимда ҳайотининг фидо.

Изоҳ: **ҳарф-и нидо** — ундов йўқламаси. «Йо» «эй» деган маънода қўлланади.

Йигирма олтинчи байт:

Нуқталари ул йўл аро тошлар,
Тошлар ўлмай-ки кесук бошлар.

Изоҳ: басмаладаги бо, нун ва йо ҳарфларининг нуқталари аввал тошга, сўнгра кесилган бошга ўхшатилган.

Йигирма еттинчи байт:

Мимлар анда гириҳ узра гириҳ,
Жазмлар анда зириҳ узра зириҳ.

Изоҳ: **гириҳ** — тугун. Мимнинг асосий қисми тугунга ўхшайди. «Жазм»дан мурод сукун аломати бўлиб, бу зириҳ ҳалқачасига ўхшайди.

Йигирма саккизинчи байт:

Ҳар сари ташдид тааддуд била
Зоҳир улуб элга ташаддуд била.

Изоҳ: басмалада учта ташдид бор. Бу ерда Навоийий «ташдид» сўзининг луғавий маъноси (куч қўллаш)дан ҳам фойдаланган. **Ташаддуд** — қийналиш; **таъаддуд** — сони отиш.

Йигирма тўққизинчи байт:

Ҳар нечаким нозир-и мақсуд ўлуб
Аҳл-и назар кўзига мардуд ўлуб.

Изоҳ: **нозир-и мақсуд ўлмоқ** — кўз тутганига кўз солмоқ.

Ўттизинчи байт:

Лек қачон қатъиға аҳл-и қабул
Азм қилиб айласа ул йон нузул.

Изоҳ: бу байтгача мардудлар, йаъний Ҳақ таъоло рад этганларга басмаланинг нақадар хавфли бўлиб кўриниши тавсиф этилган бўлса, бу байтдан қабул аҳли, йаъний ҳақ инойатига лойиқ бўлганларга басмаланинг қандай бўлиб кўриниши байон этилади. «Нузул айламак» бу ерда йўлга тушмак маъносида.

Ўттиз биринчи байт:

Боси бурун бо-йи бишорат-дурур
Шамраси кирмакка ишорат-дурур.

Изоҳ: **бишорат** — хушхабар. Буни кўрк маъносидаги «башорат» сўзи билан алмаштириш Навойий матни учун хатодир. Биринчи

мисрада «б» билан бошланган сўзлар қўлланган, йаъний тавзиъ ҳосил қилинган. Басмаладаги «исм» сўзининг алифи васлали алиф бўлиб, «би» қўшилганда имлода тушурилиб, бо синга қўшиб йозилади ва алиф сўз ичига кириб кетгандай бўлади. «Шамра» билан «ишорат» сўзларининг товушдошлиги ҳам назарда тутилган.

Ўттиз иккинчи байт:

Сини саломат йўлининг зийнаси,
Балки саъодат йузи ойинаси.

Изоҳ: бу байтда «с»ли сўзлардан фойдаланилган. Бу ердаги «саломат» шаръий соғломликни, «саъодат» эса Ҳақ таъоло берган қутни билдиради. Бу байтдаги «йуз»дан мурод биринчи ҳарфдир: «саъодат йузи» саъодат сўзининг биринчи ҳарфи «с»дир. Шоир басмаланинг «с» сида «саъодат»нинг «с»си акс этган демоқда.

Ўттиз учинчи байт:

Мими очиб манзил-и мақсадга йўл,
Балки бу манзил аро сарчашма ул.

Изоҳ: бу ерда «м» ли сўзлардан фойдаланилган. «Очиб йўл» га асос «манзил» ва «мақ-

сад» сўзларининг «м» билан бошланишидир. Мимнинг сарчашма, йаъний булоқбошига ўхшатилишига асос, унинг бунга шаклан ўхшашидир.

Ўттиз тўртинчи байт:

Ҳар алифе-ким, йеридур жон аро,
Шамъ ўлуб ул тоза шабистон аро.

Изоҳ: «жон» сўзининг ўртасида алиф бор. «Тоза шабистон» жонга рожиъ. Басмаланинг алифлари шамъга ўхшатилиб, унинг кўнгилни йоритиш хоссасига ишора қилинган.

Ўттиз бешинчи байт:

Ломлари барча ливо-йи зафар,
Бериб анга жилва ҳаво-йи зафар.

Изоҳ: ливо — байроқ. «Зафар» бу ерда махсус ҳарбий маънода эмас, мутлақ маънода.

Ўттиз олтинчи байт:

Ҳоси ҳувиййатни қилиб жилвагаҳ,
Ломи била қойил «ал-мулку лаҳ».

Изоҳ: бу ҳо «Аллоҳ» сўзидаги Ҳо-йи Ҳавваздир. **Ҳувиййат** — Ҳақ таъолонинг ўзлиги, зоти. «Аллоҳ» зот исми. Ҳо зот исмида. «Аллоҳ» сўзининг «лоҳ» қисми лом-у ҳони «лаҳ(у)» деб ўқиш мумкин. **Ал-мулку лаҳ(у)** — мулк уникидир. «Қойил» дейдур деган маънода.

Ўттиз еттинчи байт:

Равза-йи жаннатқа эшик ролари,
Ғунча-йи ваҳдатқа бешик ҳолари.

Изоҳ: эшик сўз бошига ишора. Бу ерда «равза» сўзи бошидаги «р» га ишора. Бу байтдаги ҳо «раҳмон» ва «раҳийм» сўзларидаги ҳойи ҳуттий. Ваҳдат сўзидаги «ҳ» ҳам шу ҳо билан йозилади. Ваҳдатни ғунчага ва басмаладаги ҳоларни бешикка ўхшатилишининг сабаби киши ваҳдатга эришиши учун унга тарбиййа, таълим, тазкиййа ва рийозат керак.

Ўттиз саккизинчи байт:

Мим-ки, нундин қилибон интиҳо,
Жонға қўйуб миннат-и бемунтаҳо.

Изоҳ: «раҳмон» сўзининг иккинчи бўғини мим билан бошланиб, нун билан интиҳо

қилади, йаъний тугайди. «Миннат» сўзининг ўзаги мим-у нун билан йозилади. **Бемунтаҳо** — тугамас, чексиз.

Ўттиз тўққизинчи байт:

Йо била мим қилиб изҳор-и йам
Айлагали ғарқа-йи баҳр-и карам.

Изоҳ: **Йам (м) ва баҳр** — денгиз; «раҳийм» даги йо билан мимни «йам(м)» деб, ўқиш мумкин. Буни шоир карам денгизи дейди.

Қирқинчи байт:

Нуқта-ву ташдид анга чақмоқу тош
Қилмоқ учун партав алиф шамъи фош.

Изоҳ: **партав фош қилмоқ** — йоғду сочмоқ. Ташдид чақмоққа шаклан ўхшайди. «Ташдид» сўзининг «чақмоқ» сўзига маънавий йақинлиги ҳам бор.

Қирқ биринчи байт:

Жазми солиб тавқ кўнгул бўйниға,
Нуқта бақо дуррини жон қўйниға.

Изоҳ: «кўнгул бўйниға тавқ солмоқ» дан мурод — нафсни жиловламоқдир.

Қирқ иккинчи байт:

Ҳам ҳаракотидин иъонат йетиб,
Йеткали мақсудқа таҳрик этиб.

Изоҳ: **ҳаракот** — зер, забар ва пеш. Булар кўмакчи белгилардир. **Иъонат** — кўмак. **Таҳрик этмак** — ҳаракатга келтирмак, йургизмак.

Қирқ учинчи байт:

Ҳам саканоти қилиб ифшо сукун,
Анда таваққуфқа бўлуб раҳнамун.

Изоҳ: **саканот** — сукунлар; **сукун ифшо қилмоқ** — тинмоқ, ҳаракатдан тўхтамоқ; таваққуф — тўхташ; **раҳнамун бўлмоқ** — далолат қилмоқ.

Қирқ тўртинчи байт:

Сойири чун пўйаға гомин очиб,
Гирдидин атрофиға жонлар сочиб.

Изоҳ: **сойири** — ўзгаси; мазкур белгилардан ўзгалари, **пўйа** — йуриш; **гом** — одим; **гом очмоқ** — одимламоқ; **пўйаға гом очмоқ** — йўлга тушмак. **Гирд** — теварак ва хат санъатида сўз йоки ибора теварагидаги уни ўраб турган ранг ва белгилар.

Қирқ бешинчи байт:

Бош-ойоғи бошдин ойоқ жон бўлуб,
Бошдин-ойоғ жон неки, жонон бўлуб.

Изоҳ: Бу байтда «бошдин-ойоқ» такрори тасдир ва илтизом санъатларини ҳосил қилган. Мисра бошидагилари эътибори билан тасдир, Уччаласининг эътибори билан илтизом.

Қирқ олтинчи байт:

Азмида ул қавмға доғ узра доғ,
Қатъида бу хайлға боғ узра боғ.

Изоҳ: «ул қавм» дан мурод рад аҳли, «бу хайл»дан мурод қабул аҳли. Рад аҳлига нисбатан «азм», қабул аҳлига нисбатан «қатъ» сўзи ишлатилган. Бунинг маъноси шуки, рад аҳли Ҳақ йўлига тушмоқчи бўлган билан Ҳақдан инойат бўлмагани учун бу йўлни йуролмас эканлар, қабул аҳли эса бу йўлни қатъ этар, йаъний босиб ўтар эканлар.

Қирқ еттинчи байт:

Ҳикматиул қаҳр аро, бу лутф аро
Ушбуки тўлғай икки меҳмонсаро.

Изоҳ: **меҳмонсаро** — дунйодан кинойа. Дунйо киши меҳмондек келиб кетадиган ерлиги назарда тутилганда шундай дейилади. Аммо бу ерда «икки меҳмонсаро»дан мурод дунйонинг икки, қаҳри ва лутфи билан боғлиқ жиҳатларидир. «Ушбуки» «Ҳикмат»нинг кесими, йаъний шоир икки тоифа рад ва қабул аҳлининг дунйода мавжудлигининг ҳикмати шуки, буларнинг бири унинг қаҳр жиҳатини, иккинчиси лутф жиҳатини тўлдиради, дейди. Демак дунйода мазкур икки тоифанинг бор бўлишини борлиқ қонуни тақозо қилар экан.

Қирқ саккизинчи байт:

То агар ўт солса жалолиййати,
Лутф ила урғай су жамолиййати.

Изоҳ: **жалолиййат** — жалоллик, **жамолиййат** — жамоллик. Ҳақ таъолонинг камоли жамол ва жалолдан иборат. Жамол лутф, раҳм, карам каби ижобий сифатларни, жалол қаҳр, жабр каби салбий сифатларни ўз ичига олади.

Қирқ тўққизинчи ва эллигинчи байтлар:

Истабон, эй хаста Навойий, ҳаво,
Бўйла сафарға қилур эрсанг ҳаво.

Йўл йомон-у йахшисидин йема ғам,
Бисмиллоҳ дегил-у қўйғил қадам.

Изоҳ: «наво» бу ерда Ҳақ таъоло жамолига эришиш давлати. Бу ерда «Навойий» билан «Наво» иштиқоқ ҳосил қилган. Ўзакдош сўзлардан фойдаланиш санъати «иштиқоқ» деб аталади. **Ҳаво қилмоқ** — азм этмак. Бу ерда «Ҳаво» сўзи мақсаднинг йуксаклигини ҳам билдиради.

Эллик биринчи байт:

Хайру саноин ли-муфизи-л-карам
Ким, карамидин эрур эл муҳтарам.

Изоҳ: бу байт сано (мақтов)дан иборат. Навойий басмаланинг шарҳини Ҳақ таъолога сано айтиб тугатган. **Карам** — йахши-йу йомонга холисона барча йахшиликларни қилишдир. **Муҳтарам** — ҳурматга сазовор. **Хайру саноин** — Санонинг йахшиси. **Ли-муфизи-л-карам** — мўл карам қилғучиғадур.

Муҳтарам ўқувчилар, сиз ушбу рисолада басмала ва Навойийнинг унга берган шоирона шарҳи ҳақида ибтидоий маълумот олдингиз. Аммо шунинг ўзидан ҳам маълум бўлдики, бу ибора улуғ ҳикмат натижаси ва беҳад файз манбаи экан.

Алийбег Рустамий

«Бисмиллоҳ»нинг маъноси

Рисола

Ўзбек тилида

Эссе

На узбекском языке

Что означает «Бисмиллох»

Рассом Ф. Никадамбаев
Расмлар муҳаррири У. Солиҳов
Техн. муҳаррир Е. Толочко
Мусаҳҳиҳ Ш. Соатова
ИБ № 0487

Босмахонага 26.03.93. да берилди. Босишга 26.04.93 рухсат этилди. 60×84¹/32 форматда. Босмахона қоғози, мактаб гарнитураси. Юкори босма усулида босилди. Шартли босма л. 0,93. Шартли кр.—оттиска. 1,41. Нашр л. 0,69. 20000 нусхада. №80 буюртма. Баҳоси келишилган нархда.

«Чўлпон» нашриёти, 700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот комитети, «Китоб» нашриёти ва матбаа ишлаб чикариш бирлашмасининг 3-босмахонаси. Тошкент. 700194, Муродов кучаси, 1

83.3Ўз
Р 92

Рустамий, Алийбег.
«Бисмиллоҳ»нинг маъноси (Рисола-йи Ўлмасиййа):Эссе.— Т.:Чўлпон, 1993.— 32б.

Рустамий, Алийбег. Что означает «Бисмиллох».: Эссе.

ББК 83.3 Ўз —1

Муҳтарам ўқувчилар!

«Чўлпон» нашриётининг ўсмирлар адабиёти бўлими яқин орада қуйидаги китобларни Сизнинг эътиборингизга ҳавола этади:

ИМОМ АТ-ТЕРМИЗИЙ.
«АШ-ШАМОЙИЛ АН-НАБАВИЙА».

МИРЗО УЛУҒБЕК.
«ТЎРТ УЛУС ТАРИХИ».

БАКИР ЮЛДУЗ.
«КАРБАЛО ФОЖИАСИ».

РИЗОУДДИН ИБН ФАХРУДДИН
«НАСИЙҲАТ».

ТУРСУН АЛИ
«УЗУН ТУНЛАР».